

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ МО2-213  
2019 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2019 йил “д” МО2-213 - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**«ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МЕНЕЖМЕНТИ»**  
йўналиши бўйича олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октабр даги 5-сонли баёни билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳукуқий асослари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифназаров, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Туйчиева.

“Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.д. проф. О.Мусурмонова, кат.ўқит. Р.Ишмухамедов, п.ф.ф.д. (PhD) И.Эшмаматов, п.ф.ф.д. (PhD) А.Джўраев, Н.Хакназарова, М.Инназаров.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули: т.ф.н. доц. Д.Иргашева, т.ф.н., доц. В.Каримова, доц. В.Ҳамидов, ф.ф.н., доц. Т.Эшбеков, И.Исомов, А.Обидов, F.Отамуродов, И.Чориев.

“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, У.Гиясова, Ш.Файзуллаева.

“Тизимили таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули: т.ф.н., доц. В.Каримова, пс.ф.н. Х.Алимов, и.ф.ф.д. (PhD) А.Холов.

**Маҳсус фанлар бўйича:** и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, и.ф.д., проф. А.Қодиров, и.ф.д., проф. Т.Шодиев, и.ф.д., проф. С.Мехмонов, Қ.Абдурахимов.

**Тақризчилар:** и.ф.д., проф. А.Ш.Бекмуродов,  
п.ф.д., проф. Б.Х.Ходжаев.

Ўқув дастури Бош илмий-методик марказ Илмий-методик Кенгашининг қарори билан тасдиқка тавсия қилинган. (2019 йил “      ”                  даги       -сонли баённома)

## **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари ҳамда 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқукий хужжатлари, замонавий таълим тизимидағи педагогик инновациялар, таълим менежерининг инновацион компетентлиги, бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари, олий таълимда ахборот мұхитини ривожлантириш, PR-технологиялари, амалий хорижий тил, таълим бошқарувда тизимли таҳлил, стратегик режалаштириш ва қарорлар қабул қилиш технологиялари, шунингдек, олий таълимда сифат маданиятини ривожлантириш масалалари қамраб олинади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларда олий таълимда сифат менежменти тизими, Университет 3.0 модели ва инновацион фаолиятни ташкил этиш, олий таълимда инсон ресурсларини бошқариш, кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорлик механизмлари шунингдек, молиявий ўз-ўзини таъминлаш жараённада таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги зарурый янги билим, кўникма ва малакаларни ҳамда компетенцияларни ўзлаштиришга хизмат қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси куйидаги ўкув модулларидан иборат:

**I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари.

**II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

Замонавий таълим тизимидағи педагогик инновациялар.

Таълим менежерининг инновацион компетентлиги.

**III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш**

Бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари.

Олий таълимда ахборот мухитини ривожлантириш, PR-технологиялари.

**IV. Амалий хорижий тил**

Инглиз тили ва уни ўрганишдаги асосий аспектлар.

**V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

Таълим бошқарувида тизимли таҳлил.

Стратегик режалаштириш ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

**VI. Maxsus фанлар**

Олий таълимда сифат менежменти тизими.

Университет 3.0 модели ва инновацион фаолиятни ташкил этиш.

Олий таълимда инсон ресурсларини бошқариш.

Кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорлик механизмлари.

Молиявий ўз-ўзини таъминлаш жараённида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш.

**VII. Малакавий аттестация**

**Курснинг мақсади ва вазифалари**

“Таълим тизими менежменти” курсининг мақсади – таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган раҳбар кадрларнинг касбий компетентлигини шакллантириш асосида уларда таълим-тарбия жараёнларини самарали бошқариш малакаларини эгаллашларига қаратилган.

“Таълим тизими менежменти” курсининг вазифаси – тингловчиларда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг меъёрий-хуқуқий асосларини ўзлаштириш, таълим муассасасида бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш бўйича амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган.

## **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Таълим тизими менежменти” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- сифатни таъминлаш тамойиллари ва концепциясини;
- таълимнинг умум сифат менежменти (Total Quality Education Management - TQEM) концепциясини;
- олий таълимда сифатни баҳолашнинг ташкилий хукукий асоси ва тартибини;
- инновацион фаолиятни ташкил қилишнинг тамойиллари ва концепциясини;
- олий таълимнинг замонавий инновацион моделлари ва унинг самарадорлигини;
- олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ривожланишириш стратегиясини;
- олий таълимда инсон ресурсларини бошқаришнинг назарий-услубий асосларини;
- олий таълимда инсон ресурслари салоҳияти ва савиясига таъсир этувчи омилларни;
- олий таълим тизимида ҳамкорликни ташкил этишнинг ташкилий-хукукий асосларини;
- таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги шериклик муносабатларини;
- таълим муассасасининг молиявий таъминотининг қонунчилик аосларини;
- молиявий таъминот манбаалари бўйича даромадлар ва харажатларни режалаштиришни;
- таълим муассасасини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтишнинг йўлларини **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

- олий таълимда кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

- олий таълимнинг замонавий инновацион моделларининг самарадорлигини баҳолай олиш;
- олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ривожланишириш стратегиясини сифатли ва самарали тадбиқ этиш;
- олий таълимда инсон ресурсларини бошқариш;
- олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;
- олий таълим муассасаси, битирувчи-мутахассис ва кадрлар буюртмачиси ўртасидаги ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйиш;
- молиявий таъминоти манбаалари бўйича даромадлар ва ҳаражатларни режалаштириш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- олий таълим сифат менежментининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чикиш;
- олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ривожлантириш моделларини қўллай билиш;
- университет 3,0 моделининг ташкил қилишнинг хориж тажрибасини амалиётга жорий қилиш;
- таълим соҳасидаги маркетинг хизматларини йўлга қўйиш;
- бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- таълим менежментининг анъанавий ва инновацион моделини қўллай олиш;
- университет 3.0 модели асосида “Фан-таълим-ишлаб чиқариш” интеграцияси муаммоларини ечиш;
- кадрларни стратегик режалаштириш ва бошқариш;
- таълим муассасаларини ўзини-ўзи молиялаштириш тизимида ўкув, услугубий, илмий, маънавий, маърифий ва ташкилий фаолиятини молиявий таъминотини ташкил этиш;
- олий таълим муассасасининг маблағларини тўғри режалаштириш, улардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

**Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган холда мустакил малака

ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир хафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МЕНЕЖМЕНТИ” ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИННИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ**

### **I. Олий таълимнинг норматив-ҳукуқий асослари**

#### **1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.**

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характеристери. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва Халқ таълими тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурӣ асоси. Ёшлар, оила, махалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камсигишининг хар кандай шаклларига бархам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халкаро нормалар ва хукукий стандартларга мувофик аёлларининг хукукларини таъминлаша Хотин-қизлар Кўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевинг ёшлар мажнавиятини юксатириш ва уларнинг бўши ваклларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта мухим ташаббуси.

## 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хукукий хужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни хукукий тартиба солиш. Таълим соҳасини бошкаришнинг хукукий асослари. Олий ва ўрга маҳсус таълим тизимиға бошкарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид конун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартиба солиш. Коррупцияга карши курашнинг хукукий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга карши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга карши курашишининг хукукий ва маънавий-маърифий асослари. Халкаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг килган Халкаро меҳнат ташкилоти билан самарали хамкорлиги. Ўзбекистон ратификация гендер-дифференцияланган хулк-авторнинг таъсирини хисобга олиш масалалари. Конунисти хужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимиға оид кабул килган фармонлари, карорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Олий таълим тизимиға тегишли норматив-хукукий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълимтарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хукукий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, ўкув режалар ва фан дастурлари ва уларга кўйиладиган талаблар. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат килиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўткизиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг конун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Замонавий таълим тизимидағи педагогик инновациялар.**

Таълимдаги замонавий тенденциялар. Таълимни модернизациялаш, халқаролаштириш, инсонпарварлаштириш. Инновацион фаолият ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Таълимдаги инновациялар ва уларнинг классификацияси. Олий таълим муассасасининг инновацион ривожланиш стратегияси. Таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион технологияларини амалиётга жорий этиш. Инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва унинг натижаларини баҳолаш ўзи-ўзини касбий ривожлантириш. Компетенцияларга асосланган ўқитиш. Олий таълимни бошқариш тизимидағи инновациялар. Олий таълимдаги илғор хорижий тажрибалар. Кредит тизими ва ECTS кредитларининг хусусиятлари ва тамойиллари. Кредит тизими асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари (кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш ва бошқалар).

### **2.2. Таълим менежерининг инновацион компетентлиги.**

Инновацион компетентлик ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Замонавий таълим менежерининг инновацион компетентлиги мазмун ва моҳияти. Таълим жараёнини инновацион ташкил этиш ва бошқаришда халқаро тажрибалар. Инновацион компетентликни шаклланиш босқичлари. Инновацион компетентлик – инновацион фаолиятнинг пойдевори сифатида. Таълим менежерининг инновацион фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив, деонтологик ва рефлексив ёндашувлар. Таълим менежери фаолиятини илмий ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-куватлаш мазмуни, шакл ва усуслари. Инновацион фаолиятда педагогик маҳоратнинг роли. Таълим менежери фаолиятини ташкил этишнинг инновацион шакллари (медиа алоқа, веб, мулоқот, электрон қабул ва бошқалар). Таълим менежери фаолиятини интерактив воситаларни қўллаган ҳолда ноанъанавий тарзда инновацион ташкил этиш воситалари: аудиовизуал воситалар, медиа алоқа, веб, мулоқот, эвристик сухбат ва бошқалар. Таълим менежери касбий компетентлигини баҳолаш индикаторлари ва унга инновацион ёндошув. Таълим менежерининг инновацион усуслар асосида такомиллаштириш. ОТМ фаолияти йўл харитасини тузиш ва амалга оширишда таълим менежерининг инновацион компетентлиги. Инновацион фаолият диагностикаси ва квалиметрияси.

### **III. Тальлим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш**

#### **Кўллаш**

##### **3.1. Бошкарувда ахборот-коммуникация технологиялари.**

Замонавий ахборот коммуникация технологиялари. Давлат бошкарувда уларнинг роли ва аҳамияти. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Ҳукумат карор ва фармонлари. Жамиятга ахборот коммуникация технологияларини тадбик килиниши ва ривожланиши.

Бошкарувда ахборот-коммуникация технологияларини кўлланилиши. Замонавий ахборот тизимлари (BRP, MRP, CRM, ERP). Олий тальлим бошкарувда ахборот технологиялари ва тизимларининг кўлланилиши.

Очиқ манбали маълумотлар оқими - OPEN DATA (очик кодли дастурий таъминот, аппарат таъминот, очик контент, очик тальлим, очик ресурслари, очик ҳукумат, очик билим, очик фойдаланиш, очик фан ва очик тармок). Кагта хажмли маълумотлар билан ишлаш принципи (BIG DATA ва MapReduce парадигмаси).

Олий тальлим муассасаларининг тальлим жараёнини бошкаришга ахборот тизимлари, ахборот технологиялари ва ахборот-коммуникация воситаларини кўллаш. Электрон ҳукумат. Олий тальлим муассасаларининг бошкарувида тальлим жараёнларининг назорат килишда автомаглаштирилган ахборот тизимларини аҳамияти. Олий тальлим муассасаларининг бошкарувида электрон хужжат.

Олий тальлим муассасаларининг бошкарувида ахборот хавфсизлиги масалалари. Маълумотларни химоялашда субъектларнинг аутентификацияси, зарарли дастурлар ва химоялаш воситалари.

#### **3.2. Олий тальлимда ахборот мухитини ривожлантириш, PR-технологиялари.**

Тальлимни ахборот мухити: гузилиши, хусусиятлари, ЎГ технологиялари, булуғли технологиялар, VR технологияларининг ахборот тальлими мухитидаги роли. Web2,0 технологиялари асосида ахборот тальлим мухитини такомиллаштириш. Электрон тальлим ва мобил тальимни ташкил этиш. Тальлимий ракамли ресурслар (Очиқ тальлим ресурслар, МООС ва х.к.). Тальлимий QR-код технологияси асосида электрон ресурсларни ўқув жараёнига тармоклар. QR-код технологияси асосида электрон ресурсларни ўқув жараёнига тадбик этиш механизmlари. ОТМнинг сирткни тальлим йўналишларида электрон тальлим (масофадан ўқитиши) тизимини жорий этиш механизми.

Медиакомпетентглик, раҳбар ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш. PR-технологиялари. PRнинг назарий, методологик ва ҳукукий асослари. Жамоатчилик билан алоказаларнинг назарий асосларини PR-технологиялари асосида

ўрганилиши. Жамоатчилик билан алоказаларни йўлга кўйиш ва ривожлантиришда ахборот хизматларининг ўрни. Оқ ва кора PR. Корга PRдан химояланиш усуллари.

#### IV. Амалий хорижий тил

##### 4.1. Инглиз тили ва уни ўрганишдаги асосий аспектлар.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – A2-B1). Маданиятлараро мулокот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халклар маданияти, урфодатлари, анъаналари хакида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий маколаларнинг аннотациясини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулокотга кириша олиш кўникмасини шакллантириш. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тингловчини ўз даражасини аниқловчи услублар билан таништириш.

Рахбарлик фаолиятига оид матнларни ўкиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, бошкарув жараёнлари, хамкорлар билан учрашувлар, тақдимотларда хорижий тилдаги мулокот кўникмаларини ривожлантириш.

Кўйидаги мавзуларни ўрганиш, мухокама ва таҳлил килиш: саломлашиш ва шахсий маълумот бериш. Тил ўрганилайтган мамлакатлар маданияти. Ўзбекистон хакида. Ўзбекистоннинг машхур инсонлари. Резюме тўлдириш. Касб ва исп фаолияти. Кун тартиби. Дам олиш куни. Бўш вакти самарали ўтказиш. Маданий хордик. Телефонда сухбат. Саёҳат. Транспорт. Кашибётглар. Санъат, фан ва таълим. Вакти тўғри таксимлаш. Тили ўрганилаётган мамлакат анъаналари. Таомлар. Мамлакат, миллат ва тил. Даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, мухокама ва таҳлил килиш.

#### V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул килиш асослари

##### 5.1. Таълим бошкарувидаги тизимли таҳлил.

Тизимли таҳлил модули мақсади ва вазифалари. Тизимли таҳлилнинг асосий принциплари ва тушунчаси. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлилнинг вазифалари ва принциплари. Тизимли таҳлилнинг ривожланиши ва шаклланиш босқичлари. Тизимли ёндашув ва тизимли тафаккур. Тизимларни таҳлил килиши аналитик ва сифатли ёндашувлар. Сифатли карорлар кабул килиш усуллари. Бошкаруда тизимли таҳлил хусусиятлари.

## **5.2. Стратегик режалаштириш ва карорлар кабул килиш технологиялари.**

ОТМларда стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш (foresight). Стратегик менежмент. Замонавий давлат бошкаруви. Қиска, ўрга ва узок муддатли стратегик режалаштириш. Давлат бошкарувида илғор давлат менежменти ва «акли» бошкарув принципларига боскичма-боскич ўтиш. ОТМ бошкарувида стратегик менежмент ва риск менежментининг илғор инструментлари (усуллари)ни кўллаш. Стратегияни ишлаб чикиш. Стратегияни амалга ошириш. Стратегияни баҳолаш. ОТМларда бошкарув карорлари кабул килиш даражалари ва унга тасир этувчи тахлили. Бошкарув карорларини кабул килиш даражалари ва шаффофлигини омиллар. ОТМларда бошкарув карорлари самарадорлигини баҳолаш. ОТМларда бошкарув карорлари кабул килиш тизимининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш. Бошкарув карорлари самарадорлигини баҳолаш усуллари (функционал тахлил, моделлаштириш, «муаммони идентификациялаш», «дельфи усули», «эксперт баҳолаш» ва хаказо). ОТМлар бошкарувида очикликка асосланган, самарали карорлар кабул килиш тизимини татбик этиш. Олий таълим муассасаларида самарали жамоатчилик назоратини жорий этиш. ОТМларда жамоатчилик кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Олий таълимда сифат менежменти тизими.**

Сифат категорияси тушунчаси. Сифат менежменти тизими мохияти ва ривожланиши боскичлари. Сифатни таъминлаш тамойиллари ва концепцияси. Тальим сифатини аниклашга бўлган ёндашувлар. Олий таълимда кадрларни касбий тайёрлаш сифатига тасир этувчи омиллар. Таълимнинг умум сифат менежменти (Total Quality Education Management - ТQEM) концепцияси. Олий таълим муассасаси сифатини аникловчи кўрсаткичлар. Олий таълимда сифатни баҳолашнинг ташкилий хукукий асоси ва тартиби. Олий таълим муассасалари аккредитацияси ва рейтинги. Олий таълим муассасининг сифат сиёсати. Олий таълим сифатини таъминлашнинг миллий тизимлари моделлари. Таълим менежментининг анъанавий ва инновацион модели. Олий таълим муассасаларида Lean-технологияси фойдаланиши муаммолари ва истикболлари. Таълимдаги исплохотлар тажрибалари. Болонъя келишуви. Таълимни бошаришнинг замонавий парадигмалари. Олий таълим сифат менежментининг ривожланиши стратегияси. ОТМ битирувчилари сифатини ошириш.

### **6.2. Университет 3.0 модели ва инновацион фаолияти ташкил этиш.**

Инновацион ривожланишининг назарий-услубий асослари. Инновацион фаолиятнинг можияти ва ривожланиши боскичлари. Инновацион фаолиятни ташкил

килишнинг тамойиллари ва концепцияси. Инновацион фаолиятни ташкил килишига бўлган ёндашувлар. Олий таълимда инновация турларини таснифи. Университет 3.0 модели ва унинг самарадорлиги. Глобал инновацион индекс ва унинг моҳияти. Жаҳон иктисадиётининг глобаллашуви шароитида инновацион ривожланиш - олий таълим тизимини модернизациялашнинг асоси сифатида. Олий таълимнинг замонавий инновациюн моделлари ва унинг самарадорлигини бахолаш усувлари. Олий таълим ракабатбардошлигини таъминлашда Университет 3.0 моделининг ўрни. Иктисадиётни модернизациялаш шаҳроигида таълим тизимида инновацион фаолиятни ташкил килишнинг шакллари. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида инновация шакллантириши. Олий таълим тизимида инновациюн фаолиятни ривожлантишириш стратегияси. Ўзбекистон таълим тизимида инновациюн фаолиятни ривожлантириши ташкил килишнинг хориж тажрибаси: Университет 3.0 модели – максади ва иктисадиётини глобаллашуви шароитида таълим тизимида инновациюн фаолиятни ташкил килишнинг хориж тажрибаси ва миссияси. Университет 3.0 моделининг ташкил килишнинг инновацион инновацияни ривожлантириш имкониятлари. ОГМларда таълим жараёнини модернизациялаш ва уларнинг ракабатбардошлигини оширишининг инновацион моделлари. “Фан-таълим-ишлаб чикариш” интеграцияси муаммолари ва унинг Университет 3.0 моделидаги ечимлари. “Университет 3.0” моделининг ривожлантириш истикболлари.

### **6.3. Олий таълимда инсон ресурсларини бошкариш.**

Олий таълимда инсон ресурсларини бошкаришнинг назарий-услубий асослари. Тизимли иктисадий парадигма ва тизимли менежмент. Инсон ресурсларини бошкариш тамойиллари ва концепцияси. Инсон ресурсларини бошкаришга бўлган ёндашувлар ва уларнинг таҳлили. Олий таълимда инсон ресурслари салоҳияти ва савиисига тасир этувчи омиллар. Олий таълимда инсон ресурсларини бошкариш жараёни. Олий таълимда инсон ресурсларини режалаштириш. Персонални стратегик режалаштириш. Олий таълимга мутахассисларни ёллаш. Сифатли иш кучини танлаш ва тараккий этириш. Олий таълим муассасаларида инсон ресурсларини бошкариш тизимини жорий этиш. Кадрлар савиисини ошириш механизмлари. Инсон ресурсларини бошкаришнинг илғор хорижий тажрибалари ва улардан республикамиз ОГМларида фойдаланиш. Олий таълим муассасаларида инсон ресурсларини бошкариш стратегиясини аниклаш. ОГМларда таълим жараёнини модернизациялашда инсон ресурсларини бошкаришнинг ахамияти ва такомиллаштириш йўллари. Олий таълим

муассасасининг кадрлар сифат сиёсаги. Олий таълим муассасаларида инсон ресурслари микдори ва сифатини ошириш истиқболлари ва стратегиялари.

#### **6.4. Кадрлар буортмачилари билан хамкорлик механизмлари.**

Олий таълим тизимида хамкорлики ташкил этишининг ташкилий-хукукий асослари. Таълим муассасалари ва корхоналар ўргасидаги шериклик муносабатлари. Давлат ва жамият тараккиётда таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашнинг зарурлиги ва максади. Олий таълим муассасалари ва кадрлар буортмачилари ўргасида ўзаро хамкорликини амалга ошириш механизми. Олий таълим муассасаси, битирувчи-мутахассис ва кадрлар буортмачиси ўргасидаги хамкорликкниг тўри йўлга кўйилиши. Таълим соҳасидаги хамкорлик. Илмий тадқикот соҳасидаги хамкорлик. Ишга жойлаши ва карьера соҳасида хамкорлик. Ахборот технологиялари соҳасида хамкорлик. Менежмент ва ривожланиш соҳасида хамкорлик. Кулай саноат мухитини шакллантириш соҳасида хамкорлик. Ишлаб-чикариши ташкил этиш соҳасидаги хамкорлик. ОТМ ва ташкилот-буортмачилар ўргасидаги самародорлик. Буортмачилар билан хамкорликини ташкил этишида иккисодий механизмлардан фойдаланишининг мухим йўналишлари ва уларни такомиллаштириш йўллари. Олий таълим муассасалари ва хамкорлар ўргасидаги илғор хорижий тажриба. Таълим соҳасидаги маркетинг хизматларини йўлга кўйиш масалалари.

#### **6.6. Молиявий ўз-ўзини таъминлаш жараёнида таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошкариш.**

Таълим муассасалари молиявий таъминотининг таълим сифатини оширишлаги ўрни хамда молиявий фаолиятини бошкаришнинг амалдаги тизими. Таълим муассасасининг молиявий таъминотининг конунчилик асослари. Молиявий таъминоти манбаалари бўйича даромадлар ва харажатларни режалаштириш.

Давлат таълим муассасаларини молиявий таъминоти ва уларни бошкаришнинг хориж тажрибалари. Европа, Осиё Америка мамлакатларидаги давлат таълим муассасаларини молиявий таъминоти ва уларни бошкаришнинг амалдаги тизими.

Таълим муассасаларини молиявий таъминотида бюджет маблағларини ўрни, натижага йўналтирилган молиялаштириш тизимида молиявий фаолиятини бошкариш.

Таълим муассасасининг бюджетдан ташкири жамғармалари, яъни ундирилдиган тўловлар хисобига тушумлар, ривожлантириш жамғармаси, инновацион жамғарма, битирувчилар жамғармаси бўйича молиявий фаолиятини ташкил этиш ва бошкаришнинг устивор масалалари.

Таълим мұассасасини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтишнинг зарурияты, ахамияти, йўлпари. Таълим мұассасаларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимида ўқув, услугубий, илмий, маңнавий, маърифий ва ташкилий фаолиятини молиявий таъминотини ташкил этиш масалалари.

## VII. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода кайд этилган кўрсаткичлари асосида), курсни тамомлагандан кейнгидан онлайн тест синовлари хамда Аттестация комиссиясида битирув ишини химоя килиш асосида ўтказилади.

**Амалий машғулотларни ташкил этиши бўйича кўрсатма ва тавсиялар**  
Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўқув лойихалари, соҳалар билан боғлик вазияти масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган холда ўтказилади. Бундан ташкари, мустакил холда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

## Мустакил малака ошириши ташкил этиши бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустакил малака ошириш кўйидаги шаклларни ўз ичга олади: очик ўқув машғулотлари ва махорат дарсларини ташкил этиш; иктидорли ва истебъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан катнашиш; илмий журналларда маколалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойихаларда иштирок этиш; халкаро (импакт-факторли) нашрларда маколалар эълон килиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишламаларга муаллифлик килиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув кўлланма, методик кўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун химоя килинган диссертацияга илмий раҳбарлик килиш.

Рахбар кадрларнинг мустакил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустакил малака ошириши даврида раҳбарлар асосий иш жойи бўйича малакавий амалиётдан ўтадилар. Малакавий амалиёт даврида раҳбар асосий иш жойи бўйича таълим менежменти ва бошкарув стратегияси соҳасидаги мавжуд иш

тажрибасини таҳдил киласи хамда соҳасидаги испоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш максадида келгусида амалга ошириладиган ишлари бўйича ўз Ҳаракатлар дастурини ишлаб чикади.

#### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чикилган ўқув-методик материаллар, тегиши соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари, электрон ва бошқа манбалардан фойдаланилади.

Шунингдек, таълим менежменти масалалари бўйича журналларда чоп этилган илмий маколалар, халкаро ва республика конференциялари, семинарлар материаллари тавсия этилади.

## Адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Юқсан маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008.-176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. – Т.: 2011. -440 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.- 102 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлнимизни катъият билан давом этириб, янги боскичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 591 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

### II. Норматив-хуқукий хужжатлар

7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Узбекистон, 2018.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга карши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июндаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ килиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июндаги “Олий ва ўрга маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг

малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.


### **Ш. Махсус адабиётлар**

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишлиган илмий-оммабоп қўлланма. Муаллифлар гуруҳи. – Т.: Маънавият, 2019.
17. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
18. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ, 2010. 662 с.
19. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуя. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
20. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологииялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
21. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологииялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
22. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса», 2000.–176 с.
23. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
24. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
- 18.Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. – Т.: Мехнат, 1999.
25. Ғуломов С.С. Менежмент асослари. Т.: “Ўзбекистон”, 2002. -368 б.
26. Attila Pausits. Human Resource Management in Higher Education: Case Studies and Future Scenarios. 2015.
27. Marmar Mukhopadhyay.\_Quality Management in Higher Education. 2016.
28. João Rosa, Maria, A. Amaral. Quality Assurance in Higher Education: Contemporary Debates (Issues in Higher Education). 2014.
29. Жариков В.В., Жариков И.А., Однолько В.Г., Евсейчев А.И. Управление инновационными процессами: учебное пособие / – Тамбов : Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2009. –180 с.
30. Грибов В.Д., Никитина Л.П. Инновационный менеджмент: Учебное пособие / -М.: НИЦ Инфра-М, 2013. -311 с.: 60x90 1/16. – (Высшее образование). ISBN 978-5-16-004870-3.

### **IV. Интернет сайтлар**

31. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
32. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
33. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
34. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

### **“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва  
малакасини оширишни ташкил этиш  
ҳамда мувофиқлаштириш бошқармаси  
бошлиғи  **Ф.Т.Эсанбобоев**

“ ” 2019 й.

М.Ү.

### **“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва  
раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва  
уларнинг малакасини оширишни  
ташкил этиш Бosh илмий-методик  
маркази

  
директори **Г.Т.Шоймардонов**

2019 й.